



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (12.926)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



ЎЗА олган сурат

ОМАД ТАШАББУСКОРЛАРГА КУЛИБ БОҚАДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунарамандлар ўртасида уюштирилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари ҳамда «Хунараманд» уюшмаси, бир қатор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ва молиявий кўмаги асосида ташкил этилди.

Муҳташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган кўргазмада танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида энг яхши деб топилган тадбиркор, фермер ва хунарамандлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шиддат билан ривожланиб бормоқда ва ушбу муҳим соҳага давлатимиз томонидан ҳам катта эътибор қаратилаётди. Бойси мазкур соҳа иқтисодийликнинг ривожига салмоқли хисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозорни зарур маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирish, мамлакат аҳолиси фаровонлигини ошириш, бандликни таъ-

минловчи омил сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биргина мисол, 2014 йил якунига кўра мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиги ушбу йўналишда меҳнат қилмоқда.

Яратилаётган шарт-шароитлар ва берилаётган имкониятлар натижасида тадбиркорлар сони тобора ортиб бораётди. Утган йилнинг ўзида юртимизда 27 мингга яқин кичик бизнес субъекти иш бошлади. Бу билан ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 221 минггадан ошди. Соҳанинг ривожланиб бораётгани иқтисодий таркибидagi ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат юридик университети томонидан энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва тақомиллаштириш масаласига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Республика «Экоэнергия» илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, эколог мутахассислар иштирок этди.

Президентимиз раҳнаомлигида табиий ресурслардан фойдаланиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини асраш, соҳани янада тақомиллаштиришга эришилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда бу борадаги ишларни тизимли асосда ташкил этишнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва бошқа қатор ҳужжатлар мазкур ишларни тартибга солишда муҳим омил бўлаётди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини аниқлаш, станцияларни тубдан модернизация ва реконструкция қилиш, соҳани изчил ривожлантириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Тадқиқотлар саноатнинг жадал ривожланиши, демографик ўсиш, эҳтиёж турларининг кенгайиши 2030 йилга бориб мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби сезиларли даражада ошишини кўрсатмоқда, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Бузрукхўжа Мамадалиев. — Бу иқтисодий тараққий этаётган юртимизда соҳани изчил тадқиқ қилиш, зарур чора-тадбирлар қўллашни талаб этмоқда. Анжуманда мутахассис олимлар ва талаба-ёшларнинг энергетика қонунчилигини ривожлантиришга оид тақлиф ва тавсиялари кўриб чиқилди.

Тадбирда энергетика қонунчилиги ривожланишининг амалий аҳамияти, соҳанинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, табиий ресурслардан эҳтиёжлар учун фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмининг тақомиллаштириш, малака ва кадрлар тайёрлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Эрон ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбирда икки мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, нефть-газ, кимё, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, логистика каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Анвар Икромов, Эрон саноат, қончилик ва савдо палатасининг Осиё ва Океания мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича бош бошқармаси департаменти раҳбари Али Асгар Фаршчи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб соҳаларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Эронда Ўзбекистон пахта толаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори.

Анжуманда савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар соинини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу учрашув ишбилармонларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қулай имкониятдир, — деди ЎЗА муҳбирига Али Асгар Фаршчи. — Ўзбекистон билан савдо, саноат, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар эронлик тадбиркорларнинг қизиқишини кучайтирмоқда.

Учрашувда эронлик ишбилармонларга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилаётган шароитлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги имкониятлар тўғрисида маълумот берилди.

Нодира МАНЗУРОВА

Хорижга сафарга чиқишни режалаштиряпсизми? Унда suddep.uz сайтига кириб, сизга мамлакатдан чиқиш тақиқланганми ёки йўқми аниқлаб олинг. Чунки ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг шу сайтида қарздорлиги кўпайган ва ушбу суд томонидан ундирилиши белгиланган ҳолатда қарздорга четга чиқиш чеклаб қўйилгани ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Бундан ташқари, сайтда ўнга яқин бошқа интерактив хизматлар, фуқаролар муносабатлари билан ишлаш йўлга қўйилган. Тизимда ягона ахборот-компьютер тармоғи ва унинг таркибий қисмлари, жумладан, маълумотларни қайта ишлаш маркази, электрон ҳужжат алмашиш йўлга қўйилгани суд департаменти органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз муддатидa ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда суд ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва соҳага замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш масалаларига бағишланган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этувчи алоҳида тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Суд департаменти ушбу қонун ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошираётди. 2009 йил 14 январда қабул қилинган «Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида ижро ҳужжати-ни ўз вақтида ижро этмаганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилгани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётди. Ушбу қонунда суд ҳужжатларини ижро этмаган жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланиб, бун-

дай қилмишни содир этган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди.

Бу мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилиши, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тизимда кейинги йилларда суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими, суриштирув секторлари

ҳамда суд ижрочиларининг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш таъминлаш мақсадида ахборот таъминоти ва мол-мулкни қидирув бўлими ва секторлари ташкил этилди. Ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминлашга қаратилган ўзаро электрон ахборот алмашиш ҳамда суд ижрочиларининг ишини назорат қилиш, мониторингини амалга ошириш имконини берувчи «Е-іro» электрон дастури яратилди.

Суд департаментининг тақомиллаштирилган расмий веб-сайти ишга туширилгани, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари кучайтирилгани, ижтимоий видеороликлар тайёрланиб, омма эътиборига ҳавола этилаётгани аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, муҳими, ижро самарадорлиги ошишига ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Тадбирда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ ва коммунал тўловлар бўйича қарздорлигини ундиришнинг аҳоли, ижрога йўналтирилаётган ҳужжатларни ўз вақтида ижро этиш юзасидан ҳамкорликни мустақамлаш билан боғлиқ ишлар муҳокама этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

XXI саҳоси асри

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда «Баркамол авлод тарбиясида миллий ва маънавий кадрларнинг ўрни» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда вилоятдаги миллий маданий марказлар бадийи жамоаларининг концерт дастури намойиш этилди.

● Бухорода ўтказилган ипак ва зираворлар фестивалида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган хунарамандлар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Лабиховуз мажмуасида ўтказилган фестивалнинг очилиш маросимида хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа учун минтақавий дастури вакили Бека Жакели, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Кристина Пиккат иштирок этди.

● Фарғонада ўтказилган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида 19 нафар маслаҳатчи бахшланди.

● Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди. Шаҳрисабз шаҳридаги «Камолот» маҳалла фуқаролар йиғини худудида барпо этилган 48 хонадондан иборат 4 қаватли уй маҳалла кўрмага кўрк қўшди.

● Ўзбекистон Бадийи академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида «Бахтли болалик» деб номланган кўргазма очилди.

ЖАҲОНИДА

● Куёш батареялари ёрдамида учадиган «Solar impulse» номли самолёт узоқ муддатли парвозни бошлади. Уни Андре Боршберг бошқармоқда. Белгиланган масофа Нанкин шаҳридан Гавайя оролларигача бўлиб, жами 8000 километрни ташкил қилади. Парвоз 130 соат давом этади.

● 1 июндан эътиборан, Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида чекишга қарши янги қонун кучга кирди. Унга кўра, иш жойлари, жамоат транспорти, шунингдек, болалар боғчалари, мактаблар, соғломлаштириш марказлари, спорт мажмуалари, она ва бола шифохоналари, маданий ёдгорликлар худудларида тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш қатъиян ман этилди.

● АҚШнинг Мичиган университети олимлари одамнинг кескин семириб кетишига сабаб бўлувчи яна бир омилни аниқлашди. Йигит ва қизларнинг 22 ёшдан эрта турмуш қуриши кейинчалик вазн билан боғлиқ жиддий муаммони юзага келтириши мумкин экан.

(Давоми. Боши
1-бетда)

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлов юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурини амалга оширишдаги асосий тадбирлардан ҳисобланади. Жорий йилги танловнинг туман (шаҳар) босқичларида жами 6228 нафар тадбиркор, хунаранд ва фермерлар қатнашди. Ушбу босқичдаги кўргазмалар билан 45 мингдан ортиқ таъриф буюрувчилар танишган. «Ташаббус – 2015» нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 544 нафар иштирокчи қатнашгани тадбирнинг кенг қамровли эканлигидан далолат беради. Шу боис кўрик-танлов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари эришаётган илғор натижаларни тарғиб қилиш, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини кучайтириш, тадбиркорларнинг имкониятларини юзга чиқаришга катта хизмат қилмоқда дейиш мумкин.

Республика босқичи иштирокчилари учта асосий йўналиш – йилнинг энг яхши тадбир-

кори», йилнинг энг яхши фермери» ва йилнинг энг яхши хунаранди» ҳамда қўшимча «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор», «Менинг

гунги кунда иштирокчиларнинг фаолият йўналишлари бирмунча кенгайди.

Жумладан, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, ички ва ташқи бозорда ўз товарларининг машҳур брендинга эга бўлган,

сари Раҳим Одилов. – 2008 йилдан бошлаб спорт инвентарларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Дастлабки йиллари саккиз ўн хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирги кунга келиб уларнинг тури 50 тага

статистика ва бошқа ҳисоботларнинг қисқартирилиши нафақат бизнинг корхонанинг, балки бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фермерлик йўналишида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган, уларни тўлиқ қайта ишлаб, ички бозорга озик-овқат маҳсулотлари етказиб бераётган, кўп тармоқли, деҳқончилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаётган, иссиқхона фаолияти билан шуғулланаётган қишлоқ мулкдорлари қатнашмоқда.

Тадбир давомида танловнинг худудий босқичлари гоилиблари, яъни республика босқичи иштирокчиларига лауреатлик дипломи, иштирокчи кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли китоби ва бошқа мукофотлар топширилди.

Жорий йилнинг 11 июнь кунин поитахтимизда «Ташаббус – 2015» кўрик-танловининг гоилиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Абдували СОДИКОВ

ОМАД ТАШАББУСКОРЛАРГА КУЛИБ БОҚАДИ

юртим – менинг ифтихорим», «Кекса тадбиркор – «Ташаббус» эъзоди», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб», «Озик-овқат саноатидаги энг яхши йил тадбиркори», «Йилнинг энг яхши маҳсулоти», «Энг яхши экспортчи», «Энг масъулиятли ижтимоий шерик» номинациялари бўйича беллашмоқдалар.

Кўрик-танловнинг дастлабки даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган, қурилиш соҳасида хизмат қилаётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган илғор фермерлар ва қулолчилик соҳасидаги хунарандларгина иштирок этган бўлса, бу-

фармацевтика, тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаётган ҳамда энгил саноатнинг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар иштирок этмоқда. Қувонарли томони шундаки, танловнинг ўтган йилгисидан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида бугун фаолиятимиз анча кенгайди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида асосан ишбилармонлар фаолиятига ҳар хил аралашув ва турли назоратларнинг камайиши, божхона расмийлаштирувларининг соддалаштирилиши, солиқ,

етди. Яъни, маҳсулотларимизнинг тури ва сифати ошиб, иш ўринлари кўпайди. Ҳозирда корхонамизда 30 дан ортиқ доимий ишчи меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, 40 га яқин мавсумий ишчилар ҳам бор. Давлатимиз томонидан соҳага берилган эътибор, яратилган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида бугун фаолиятимиз анча кенгайди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида асосан ишбилармонлар фаолиятига ҳар хил аралашув ва турли назоратларнинг камайиши, божхона расмийлаштирувларининг соддалаштирилиши, солиқ,

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Бугун ён-атрофга назар ташлаган киши ҳамма яхши нарсалар, муносиб шарт-шароит ва кенг танлаш имконияти, аввало, аҳолимиз учун эканлигига амин бўлади. Бу, мамлакатимизда инсон манфаатлари, қонуний ҳуқуқларини таъминлаш қундалиқ турмуш тарзимизда ўзининг кенг ифодасини топаётгани самарасидир. Айниқса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида миллий қонунчилик асослари яратилиши билан бир қаторда уларни рўёбга чиқариш учун алоҳида тизим шаклланиши шу мақсадга хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида бу алоҳида қайд этилди.

Тадбирда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани таъкидланди. Жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, ёдмаларнинг қайтарилиши, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли кучайиб бораётди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 14 худудий бирлашмаси, 193 туман ва шаҳар жамиятлари, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув муассасаларида минглаб таянч гуруҳлари фаолият юритмоқда. Улар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш билан бирга, фуқаролар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тизимимизга истеъмолчилардан келиб тушган шикоят ва аризаларнинг 88,5 фоизи ижобий ҳал этилди, – дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова. – Истеъмолчилар томонидан қўрилган 538 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар қўлланганига эришилди. Мазкур муносабатлар асосан аҳоли кўпроқ дуч келадиган хизматлар – савдо, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал соҳаларига оиддир.

Анжуманда федерация давлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни йўлга қўйгани ишлар самарадорлигини ошираётганига эътибор қаратилди. Ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида www.istemol.uz веб-сайти ривожлантирилмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

(ЎЗА)

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга илмий-техника тараққиётга ютуқларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида «Техника ва технологияларни модернизациялаш шароитида иқтидорли ёшларнинг инновацион голялари ва ишланмалари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикрлашилди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотни ички ва ташқи бозорга чиқариш, илғор инновацион лойиҳа ва ишланмаларни ҳаётга жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда институт ректори Қ.Жуманиёзов ва бошқалар ёшларни инновацион лойиҳалар яратишга жалб этиш, иқтидорли талабалар олиб бораётган илмий изланишларни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг жорий этилишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

Конференцияда мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида тадқиқотлар олиб бораётган иқтидорли ёшларнинг икки эздан ортиқ илмий ишланмалари, лойиҳалари, шу асосда яратилган қўлланмалари таҳлил этилди. Анжуман якуни бўйича ёш олимларнинг энг яхши илмий мақолалари навбатдаги Инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида иштирок этиш учун тасвир қилинди.

Анжуманда пахта саноатида механика муаммолари ва унинг инновацион ечимлари, тўқимачилик саноатини янги технологиялар асосида ривожлантириш, соҳани модернизациялаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар партия гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «2015 йилда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосан 2015 йилда Тошкент шаҳрида 93 минг 394 та иш ўринлари яратилиши белгиланган эди.

Депутатлар гуруҳи йиғилишида ушбу масала атрофлича кўриб чиқилди. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 2015 йилнинг январь-май ойларида аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш жойларини яратиш, ишсиз аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари йўналишлари борасидаги фаолияти муҳокама этилди.

Йиғилишда жорий йилнинг январь ойидан бошлаб туман ҳокимликлари, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари «Ишга жойлаштириш кунин» ўтказилиб, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш чоралари кўрилатганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, банклар томонидан тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун банк кредитлари берилишининг ҳолати, хусусан, кредит фоизлари, кредитлаш тартиботи ва преференциал таклифларга оид масалалар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий қилиш ва уни ривожлантириш масаласи юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи М.Раҳимов, АТИБ Ипотека банкнинг Юнусобод туман филиали бошқарувчиси Б.Амонов, АТИБ Ипотека банкнинг Миробод туман филиали бошқарувчиси Э.Умиров, Компютерлаштириш маркази раҳбари М.Асомов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Депутатлар гуруҳининг йиғилиши якуни бўйича қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Ғафур Ғулом номидаги мадснийат ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, «Ҳар бир болага меҳр, эътибор» шиори остида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ўтказилди.

Тадбирга маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, серфарзанд оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари таклиф этилди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Т. Тешабоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда келажагимиз эртаси бўлган болажонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, етук ва соғлиқ инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган болажонларга касаба уюшмаларининг махсус совғалари топширилди.

Хусусан, Меҳрибонлик уйлари билан икки минг нафар тарбияланувчисига, Болалар ижтимоий мослашув марказининг тарбияланувчиларига ва 500 нафар иқтидорли ўғил-қизларга энг яхши болалар соғломлаштириш оромгоҳларига белу йўлланмалар берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 60 нафарга яқин фарзандларига ҳам совғалар ва истироҳат боғларига, театрларга имтиёзли чипталар тақдим этилди. 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эса ойнаи жаҳон тўхфа қилинди.

Акция доирасида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Муруват» ёки Меҳрибонлик уйлари касаба уюшмалари эътиборида тадбирлари, турли спорт мусобақалари, викториналар, расмлар кўргазмаси ва концерт дастурлари ташкил этилди.

Баркамол авлоднинг таълим-тарбияси, уларни моддий

ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш борасидаги тизимли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига ва ногирон болаларга ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиниб, чет тилларни ўрганишларида кўмаклашилмоқда.

Юртимиз эртаси бўлган болажонларнинг бахтли келажагини муносиб таъминлаш, уларга энг ёруғ, шодумон кунларни ҳаёда этиш ва шу муқаддас заминга муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Ўтказилган байрам тадбири болажонларнинг қалбига бир олам қувонч бағишлаш билан бирга, уларнинг дилида энг гўзал кун сифатида унутилмас таассурот қолдирди.

(ЎЗ мухбири)

СУРАТЛАРДА: тадбирдан
лавҳаларИслом Исмоилов
олган суратлар

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон оилалари. Кеча ва бугун» мавзусида ўтказилган матбуот анжумани Республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан уюштирилди.

Анжуманлар

ОИЛАЛАРНИНГ БАХТУ САОДАТИ ЙЎЛИДА

Унда Республика «Оила» илмий-амалий марказининг худудий бўлимлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ЁИХ ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш, оилада ота-оналар бурч ва масъулиятини янада ошириш, фарзандлар тарбиясига эътибор ва турли долзарб

масалалар ечимларини ижобий ҳал этишда самарали иш олиб бормоқда.

— Оила муқаддас кўрғон, фарзандларни маънавий етуқликка қорлайдиган, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялайдиган гўзал ошёнди, — дейди Чилонзор тумани ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мухайё Саидқурмова. — Оилаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги «Оила» марказлари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамкор ва ҳамқадам тарзда ишлашлари лозим. Шу билан бирга оиланинг

ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом ўсишини таъминлаш ва мактабга тайёрлашда ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш зарур.

Анжуманда оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларини такомиллаштириш, ажримларга сабаб бўлувчи омилларнинг таҳлили, тўй-ҳашамларни тартибга солиш, яраштириш комиссияларининг фаолиятини кучайтириш, оилада маданий, тиббий, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш мавзуларида мулоҳазали, мушоҳадали фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни ота-оналар, маҳалла-қўй, қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида ўқитувчи ва мураббийларнинг келгуси авлод баркамоллиги йўлида фарзандларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулиги, ушбу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас бoғлиқ уч омил — оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулнигор САТТОВА



Танловлар

ЭНГ ЗУККО ВА МАЛАКАЛИ ХАМШИРАЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмалари Кенгаши, «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда «Хамшира — 2015» курик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Тадбирнинг очирилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида Ўртабўшимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш борасида кенг қамровли ишловларнинг юқори самараси, шунингдек, инсон саломатлигини муҳофаза-лаш ва даволашда ҳамшираларнинг туганган ўрни ҳамда вазифалари, уларнинг маънавий ва амалий билимларини юксалтиришда бу каби танловларнинг муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтишди.

Танловда туман босқичларида ғолиб чиққан 11 нафар тиббиёт ҳамширалари танишув шартини бажариб, тиббий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий йўналишдаги истеъдодларини намойиш этдилар.

— Ушбу танлов ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини

қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган, — дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов. — Жумладан, ҳамшираларнинг билимларини чуқурлаштиришга кўмаклашиш, тиббиёт сирлари ва тарихини мукаммал ўрганишларига шароит яратиш ва энг асосийси, билимдон ва қобилиятли ҳамшираларни саралаш каби вазифаларни қамраб олган.

Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан беш ва ўн баллик тизим асосида баҳолаб борилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, танловнинг амалий қисми 7-шифхонада ўтказилиб, унда ҳамшираларнинг иш тажрибаси синовдан ўтказилди.

Танловда биринчи ўрин Яшнот туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиника ҳамшираси Мадина Сайфиддиновага, иккинчи ўрин шаҳар 3-сон бола-лар клиник шифхонаси ҳамши-

раси Камола Жўраевага, учинчи ўрин эса шаҳар 5-сон юқумли касалликлар шифхонаси ҳамшираси Камилла Ахметвалиевага насиб этди.

— Мен шахримиздаги энг малакали ҳамширалар беллашган боис бу танловда ғолиб бўлган деб ўйламагандим, — дейди биринчи ўрин соҳибаси Мадина Сайфиддинова. — Танловга тайёрланиш баробарида тиббиёт соҳасидаги билимларимни янада мукамаллаштиришга ҳаракат қилдим. Иштирокчилардан ҳам кўп нарсалар ўргандим.

Ҳа, инсон соғлигини муҳофаза-лашдек долзарб вазифани ўз зиммасига олган тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Иштирокчилар тиббиёт соҳасидаги билимларини намоён этиб, олқишларга сазовор бўлишди ва ўзларининг зукко, изланувчан ва ҳар қандай ишга лаёқатли эканликларини исботлаб беришди.

Танлов сўнггида ғолиблар қимматлиқ совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Биринчи ўринга сазовор бўлган Мадина Сайфиддинова «Хамшира — 2015» курик-танловда республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маҳалла институтининг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш борасида белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, ижтимоий ҳаётимиздаги фаоллигини янада оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритмокда. Ушбу жамоат тузилмаларининг фаолияти самардорлигини, моддий-техник салоҳиятини юксалтириш, жамиятимиздаги нуфузини ошириш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, соҳада иш жараёнини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларини компьютер жамланмалари билан таъминлаш кўлами кенгаймоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида фонд томонидан олти юзга яқин маҳаллага ана шундай замонавий ахборот технологиялари ва жиҳозлар тақдим этилди.

Маҳаллалар учун янги бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, фуқаролар йиғинлари жойлашган биноларни уларнинг ўз балансига ўтказиш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилаётир. Ҳозирги вақтда қарийб етти мингга фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз хизмат биносига эга. Бу соҳадаги ишлар изчил давом эттирилмокда.

Маҳаллалар фаолиятини самарали ташкил этишда услубий адабиётларнинг ўрни муҳим. Ўтган йили йиғирмага яқин ана шундай услубий қўлланма, китоб, рисола ва буклетлар, ҳужжатли фильмлар ва мультимедия маҳсулотлари тайёрланиб, жойларга етказиб берилди. Жорий йилда ҳам ўндан ортиқ ана шундай тарқатма материаллар яратиш режалаштирилган.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида маҳаллаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бундай чора-тадбирлар янада кенгаймоқда. Жорий йилда ёши улуг инсонларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича изчил лойиҳалар ҳаётга таътиб этилмокда.

Матбуот анжуманида маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни муҳофаза қилиш, кексаларни қадрлаш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда маҳаллаларнинг ўрнини кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва келгуси вазифалар ҳақида сўз юритилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга атрафли жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

ХУРМАТЛИ ХАМШАХАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ!

Ўлкамизга ёз фасли келиши билан бирга дам олиш, хордик чиқариш мавсуми бошланади. Шу жумладан, мактаб ўқувчилари ёзги таътилга чиқишди, фарзандларимизни дам олиш масканларига юборамиз. Лекин кўпчилик болаларнинг ёзги таътилни уйларида ўтказишларига тўғри келмади. Шунинг учун хурматли ота-оналар, Сизлардан фарзандларингизни қаровсиз қолдирмасликни илтимос қиламиз ва куйидаги мурожаатга эътибор беришингизни сўраймиз.

ОТА-ОНАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Лифт — вертикал одам ёки юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаси бўлиб, ҳар куни лифт хизматидан нафақат ота-оналар, балки болалар ҳам фойдаланишади. Шунинг учун савол туғилади: болаларга мустақил равишда лифт хизматидан фойдаланиш мумкинми?

Хурматли ота-оналар, огоҳлантирамызки, 12 ёшга тўлмаган болаларнинг мустақил равишда лифт хизматидан фойдаланиши қатъиян ман қилинади.

Биз одатда болаларга мактабда, кўчада, шаҳар транспортларида ўзларини қандай тутишларини эслатамиз, лекин биз уларга лифддан тўғри фойдаланиш қоидаларини, нотўғри фойдаланиш натижасида қандай оқибатлар келиб чиқишини тушунтирмаймиз?

Эслатиб ўтамызки, болалар шўхлиги ва лифддан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмасликлар оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Болаларнинг ҳар хил саргузаштлар излаб, қаватдан-қаватга сайр этишлари, шахта ичига киришлари ва кабина устида ёки остида арқон таёқлар ва бошқа мосламалар ёрдамида осилиб учиб олишлари сабабли оғир жароҳатлар олишлари оқибатида ногирон бўлиб қолишлари ва кўпинча бундай ҳол ўлим билан тугаши мумкин.

Бу ҳолатлар катталарнинг бефарқлиги, лоқайдлиги, болаларга аҳамиятсизлиги оқибатида рўй беради.

Болаларнинг шўхликлари оқибатида катталар ҳам зиён кўриши мумкин: яъни бунга шахта ёки эшик қулфларининг ишдан чиқиши, хавфсизлик асбоблари ва электр тақсимлаш тизимларининг бошқарилиши издан чиқиши сабаб бўлади.

Агар биз катталар болаларни қаровсиз қолдирмасак, уларга лифддан тўғри фойдаланишни ўргатсак ва уларни лифдда шўхлик қилмаслик ҳақида огоҳлантириб турсак, лифдда бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай олдини олиш мумкин.

Фарзандларимизга лифддан фойдаланиш қоидаларини ўргатишимиз керак, жумладан:

— лифт кабинаси рўпараңгизга келганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кириш мумкин;

— «банд» чирогой ёниқ вақтда «чақириш» тугмасини босманг;

— кабинага олдин катталар, кейин болалар кириши керак, чиқишда эса аксинча, олдин болаларни чиқаринг;

— болалар аравачаси билан лифдда фойдаланганда болани кўлга олиш зарур. Олдин ўзингиз кириш, сўнгра болалар аравачасини олиб кириш;

— агар кабина қаватлар орасида тўхтаб қолса, ўзбошимчалик билан кабинадан чиқишга зинҳор ҳаракат қилманг, бу хавфли, мазкур ҳолат бўйича телефон орқали диспетчерга ёки лифт хизматчисига «диспетчерни чақириш» ёхуд «звонок» тугмасини босиб, лифти ёниқ чақиринг ёки баланд овоз билан ёрдамга чақиринг;

— агарда болаларнинг лифдда шўхлик қилиб ўйнаётганини кўрсангиз, сизнинг вазифангиз — дарҳол олдини олиб, чора кўринг ва лифт ходими билан диспетчерга хабар беринг.

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси

Тел: 244-26-10
244-38-82

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат техника университети қошидаги 3-сон академик лицейи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимида (педагог ўқув-услубий бошқарув фаолияти) фаолияти, маънавий-маърифий бошқарув 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси талаб этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54. Тел: 265-06-54.

ХАМШАХАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент автомобиль-йўллар институтида 2015 йил 6 июнь куни соат 10:00 да «Очиқ эшиклар» куни ўтказилади.

Мутахассис маслаҳати

ЧЕКИШ — КОНИ ЗАРАР

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти таклифи билан 1988 йилдан бошлаб май ойининг охири куни Бутунжаҳон чекишга қарши куни сифатида белгиланган.

Бундан мақсад ер юзидagi бутун жамоатчилиқнинг эътиборини тортган ҳолда тамаки чекишнинг зарари, салбий оқибатлари ҳақида маълумот беришдир. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бу кун борасидаги асосий мақсади — XXI асрда чекиш муаммоси билан хайрлашишдир. Бироқ ушбу муаммо шу кунгача ҳамон борлиги сабабли чекишга қарши кураш давом этмокда.

Никотин — наркотиклар ичида энг кенг кўп учрайдиган тури ҳисобланади. Инсонда чекишга бўлган мойиллик тез ривожланиб, даволаш жараёни жуда оғир кечади. Бунда инсоннинг иродаси жуда кучли бўлиши лозим, чунки чекишни ташлаган ҳар бир инсон «бошқа чекмайди», деб ҳеч ким кафолат бера олмайд.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун зарарлидир. Ҳозирги кунга келиб, дунё миқёсида чекувчилар сонини тобора ортиб бормокда. Ёшлар ва хотин-қизлар орасида кашандаликнинг тарқалиши эса жуда аянчли ҳолдир.

Замонавий тиббиёт натижаларига суянган ҳолда шуни аниқ айтишимиз мумкинки, тамаки таркибида йиғирмадан ортиқ захарли моддалар мавжуд бўлиб, улар ичида энг кучлиси никотиндир. Инсон тамаки чекканда никотин тўтун орқали ўпкага, кейин эса қонга сўрилиб, юрак-қон томир тизимида салбий таъсир кўрсатади. Қон томирлари тарайиб, босим ошади. Юрак уриши тезлашади. Бу ҳолат юрак мускулларининг ишдан чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳол тез-тез такрорланавергач, бориб-бориб юрак инфаркти, стенокардия каби касалликлар бошланиши мумкин.

Маълумотларга қараганда чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан ўн икки марта кўпроқ юрак-қон томир хасталиклари учрайди.

Тамаки бош миёя хужайраларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Чекувчида уйқусизлик, бош оғриғи бошланади. Оқибатда эса марказий нерв тизими фаолияти бузилади. Кўп чекадиган киши тез юрса, жисмоний меҳнат қилса, хансирайдиган бўлиб қола-

ди. Айрим ҳолларда кўп тамаки истеъмол қилиш чекувчининг руҳий хасталикларга дучор қилиши мумкин.

Тамаки чекиш нафас олиш тизимида ҳам зарарли таъсир қилади. Тамаки тўтун таркибидagi захарли сақич моддалари турли хил ўпка хасталиклари — бронхит, сил, ҳаттоки саратон (рак) касалликларига олиб келиши кузатишган.

Тамаки ҳазм органларига таъсир қилиши натижасида кишида иштаҳа йўқолади, оғизда беэмаза таъм пайдо бўлади, сўлак безларининг фаолияти бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворларини зарарлайди. Жигилдон қайнайди. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда ўн икки бармоқли ичак яраси каби касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кўпчилик танишларимиз, дўстларимиз билан чекиш тўғрисида баҳслашганимизда улар сиқилганда чекишликларини айтиб, ўзларини оқлашга уринишади. Гўёки тамаки инсон ғамини аридагандек. Ахир бу ҳолат бургани аччиқ қилиб кўрпа куйдириш эмасмикан?

Ёши катталар, чекишнинг зарарли оқибатлари тўғрисида маълумотга эга бўлганлар албатта ёшларга ўрناк бўлмоғи лозим. Ўзгаларга ибрат бўлиш ниятида кишиларнинг ўзларида ҳам бундай иллатлар кузатилма-с нур устига нур бўларди. Мажлисида жон куйдириб чекишнинг зарари тўғрисида сўзлаган нотикни тадбир тугагач, чекиб турганини кўрганлар нима ҳам қилиши мумкин.

Тамаки чекишни ташлаш мумкин. Бунинг учун кишида ирода бўлмоғи лозим. Тўғри, чекишни ташлаган киши дастлабки кунларда анча қийналади, йўтал тутиши, ҳолсизланиши, кайфияти ёмонлашиши мумкин, аммо бу ҳолат тез кунда ўтиб кетади. Ўз саломатлигини ўйлаган киши тамаки чекишни албатта ташлагани маъқул.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директор ўринбосари

Ёз — ўтади соз

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Мазкур қарорнинг ижроси, оромгоҳларда болаларнинг ҳар бир кунининг мароқли ва қизиқарли ўтиши ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1-Тошкент педагогика коллежида шаҳар касаб ва уюшмалари ташкилотлари, бирлашмаси Кенгаши томонидан анжуман уюштирилди.

Унда ёзги соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш бўйича шахримиздаги мустақил ташкилотлар, идораларнинг масъул ходимлари, қорхона, ташкилотлар тасарруфидagi болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда «2015 йилги ёз мавсумига тайёргарлик қилиш ва уни юқори савияда ташкил этишда касаб ва уюшмаларининг роли», «Ёз мавсумига тайёргарликни ўрганиш натижалари ва бугунги кунда жойларда олиб борилаётган ишлар», «Оромгоҳларга болаларни олиб бориш ва олиб келишда йўл-патруль хизмати масъул ходимларининг вазифалари» мавзуларида маърузалар тингланди. Шунингдек, оромгоҳларда факултетада ҳодисаларнинг олдини олиш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин чиқишининг олдини олиш, тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш, спорт мусобақаларини уюштириш ҳамда турли мавзулардаги маданий-маърифий учрашувларни ташкил этиш борасидаги ишлар юзасидан ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ойдиннисо ИБРОҲИМОВА

